

ОТАБЕК ЎРОҚОВ

ТУРОН ТОНГИ



ЯНГИ АСР АВЛОДИ

Тошкент
2015

УЎК: 821.512.133-1

КБК: 84 (5Ў)7

Ў-80

Ўроқов, Отабек

Турон тонги / О.Ўроқов. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2015.
– 56 б.

ISBN 978-9943-27-415-0

Ушбу тўплам фақат «Т» ҳарфи билан бошланувчи сўزلардан ташкил топганлиги билан ҳам янада қизиқарли ва ўзига хос.

Муаллиф мўъжазгина «Т-нома»да ўзбек тилининг имкони-ятларидан қанчалик кенг фойдаланганини асарни ўқигач, билиб оласиз ва беихтиёр таҳсин айтасиз, деган умиддамиз.

УЎК: 821.512.133-1

КБК: 84 (5Ў)7

Масъул муҳаррирлар:

Абдурашид УСМОНОВ,

Маҳкам МАҲМУДОВ,

Меҳринисо АБДУНАЗАРОВА

Ушбу китобнинг чоп этилишида сидқидилдан ёрдам берган ҳамийлар Самеъ Солиев, Мақсуд Валиевларга муаллиф ўз миннатдорчилигини билдиради.

ISBN 978-9943-27-415-0

© О.Ўроқов. «Турон тонги», «Янги аср авлоди». 2015 йил

БУ БЎСТОН САҲНИДА ГУЛ КЎП...

Адабиёт оламида ёритилмаган мавзулар қанча-ю, кашф этилмаган жанрлар қанча? Отабек Ўроқов Холмирза ўғлининг «Турон тонги» номли асарлари тўпламини ўқир эканман, юқоридаги ўй-хаёллар фикрларимни тортқилади. Зеро, бу тўплам ноёбликда дурдона, ўзига хосликда шоҳона китобдир. Унда 7000 та «Т»ли сўзлардан ташкил топган асарлар жамланган. Тўғри, адабиёт бундай ўлчовли асарларни ҳазм қилолмайди, деган фаразлар бирдан хаёлдан кечади. Аммо кичик-кичик асарларнинг мазмуни тузук, бадийлиги пишиқ, савияси ўқимишли бўлса-чи?! Ҳамма гап шундаки, бу асарларни шунчаки ўқиб бўлмайди. Уларни аввал синчиклаб, сўнгра салмоқлаб ўқиш талаб этилади. Бу талабни кўнгилдаги қандайдир туйғу ўртага қўяди. Айрим кишилар тилдаги бор имкониятдан тўла фойдаланиб, ўз «дард»ини баён этишга қийналаётган бир замонда, Отабек Ўроқов қандай қилиб бутун бир бошли «Т-нома» жанрига асос солиб ўтирибди?! Адабиёт шуниси билан қизиқ, шуниси билан мафтункордир! Шунинг учун ҳам Юртбошимиз И.А.Каримов шундай деган эди: «Агар биз Ўзбекистонни дунёга тараqqунум этмоқчи, унинг қадимий тарихи ва ёруғ келажакини улуғламоқчи, уни авлодлар хотирасида боқий сақламоқчи бўлсак, авваламбор буюк ёзувчиларни, буюк шоирларни, буюк ижодкорларни тарбиялашимиз керак. Нега деганда, улуғ адиб Чўлпон айтганидек, адабиёт яшаса – миллат яшайди». «Турон тонги» ана шундай ғояларни эсга солади, у билан танишган китобхон ажиб бир гўзаллик билан боғланиб қолади. Отабек Холмирза ўғлининг «Тоҳирнинг туйғуси» ном-

ли асарида икки ёшнинг турмуш қуриши ҳақидаги воқеалар тасвирланган. Тоҳир исмли йигит Тозагул номли қизга шайдо бўлган. Кўнгли шу соҳибжамолга бўлган оташин муҳаббат билан тўлган. Тозагулнинг уйдан минг бир совчилар аримайди. Кечаю кундуз уларнинг уйдан келиб-кетувчиларнинг сояси қаримайди. Бу эса Тоҳирнинг томирларидаги севги ўтини ёндиради, у эса билмайди, қандай қилиб севгилисининг ота-онасини кўндиради?! Ана шу драматик ҳолатлар айрича бир тутумда очиб берилган: «...Тоҳиримизнинг тоқати тугаёзди. Тортинчоғимиз Турди тоғасига Толлибой тоғасининг тўнғичи Тозагулга томир тутиниш таклифи-ла тушишини тортинибгина тайинлади:

– Тоға, Тозагулни танийсиз-а?!

– Танийман, танийман, Толлибойнинг тўнғичими?

– Тозагулларникига Тулки тепалиликлар тўй таклифига тушишибди.

– Тушса тушаверсин! Тўй-тўйлаймиз-да!

– Тушунмаяпсиз-да?!

– Тушунтир-тушунтир, – талмовсирагандек тикилди Турди тоға.

– Толлибой тоғаникига тезроқ тушсангиз.

– Танамдагини топдинг, танамдагини топдинг! – Танига тарсаки туширарди Турди тоға...»

Ушбу парчада ўзбек урф-одатларидан бири – совчи жўнатишнинг айрим ҳолатлари ёритилган. Фақат «т»ли усулда. Моҳият қандай? Биринчидан, асарда ўзбекона психологизм бор, иккинчидан, муаллиф сўзларнинг ранг-баранг маъноларини очиб бериш учун имкон қадар яхши жойлаштиришга интиланган. Учинчидан, ўзбек тилида «танамдагини топдинг» эмас, балки «тилимдагини топдинг» ёки «дилимдагини топдинг» деган иборалар мавжуд. «Танига тарсаки туширарди» эмас, балки «тиззасига ...туширарди» деган гап бор. Бу санаб ўтилган ютуқ ва камчиликлар «Турон тонги»-да талайгина.

Умуман олганда, бу ноёб тўпламни китобхонлар оммасига тақдим этиш катта қизиқиш уйғотади. Албатта, нашрга қадар муаллиф ўзбек тафаккурининг ажралмас бир бўлаги бўлиб қолган тайёр ибораларни керакли ўринларга – жой-жойига қўйиб чиқиши керак. Тўплам – «Т-нома» жанридаги асарлар гулдастаси ўзбек адабиётининг янги бир шакл ва мазмундаги китоби сифатида кўпчиликка манзур бўлади, деган умиддамиз.

*Фахриддин ШОДИЕВ,
Алишер Навоий номидаги
Самарқанд давлат университети
доценти*

ТУРМУШДАН ТОПГАНЛАРИМ

Тангри Таолога таваккал-да, “т” талаффуз-ли товушидан тараладиган тўплам тузишга тиришдим. Тузган тўпланим таҳлилини Туронлик тупроқдошларимга топширмоқдаман. Тарихий туркий тилимизнинг тенгсиз товланишларини тушунтиришга тушдим. Таниқли тарихчи таҳлилчиларимиз тўпланимни тўғри тушуниб, тўғри таърифлашларини Тангри Таолодан тилайман!

Тузувчидан

ТОҲИРНИНГ ТУШИ

Тоҳир Тошкент техника талабагоҳида талаба. Талабагоҳ ташқарисидаги талабалар турадиган томнинг торгина томчасида тиришибгина тунади. Тушида тоғдаги Толлибой тоғанинг тўнғичи, тенгқури Тозагулга термилиб, тўйхонада тахтадан тайёрланган тахта турарди. Тонгда титраганча турди. Тўшакларини томча тўридаги текис тахта тепасига тахлади. Тишларини тозалаб, тиши тўкилган тароқчасида таранди. Токчадаги товоқчада турган тунги таомидан тотинди. Тотлигина тунги таомига тўймади. Талабалик тиллолигини талабаларгина тушунади. Талабаларда тўрт тангада турмайди. Тонгда-да, тушда-да, тунда-да таомга тўйишмайди. Турса тўрт томони текис тахтадай, туртсанг тўнкарилгудай тўнғилларди.

Тоҳир техника таълим тизимини тўлиқ тугаллаётган тиришқоқ талабалардан. Техникага тааллуқли тўпланимларни тўплаб, тонгданоқ тоғдаги туғишган тенгқур тоғаси Толибникига тайёрланди.

ТОЛИБНИНГ ТАРҒИЛ ТУЛПОРИ

Тарғил тулпорнинг тўёқ товушлари тоғни тубигача титратгудай. Тоғликларда тарлон тўриқлардан тарқанган тулпорлар топилса-да, тарғил тулпор тоғда танҳо. Толиб тулпорини тарбиялашдан тинмайди. Темир тишли тароғида тулпор толаларини тарагани-тараган. Тулпорига тўртта тумор таққан. Тулпорининг тезлиги техника тезлигидан тез. Тулпор тепкир. Толибгагина тек туради. Толиб тулпорида талтайгани-талтайган. Талтайса талтайгудек-да тулпори. Темур Тарағай тулпорининг туридан-да. Толиб танаю таначаларини, такаю такачаларини, тўқлиларини тоғ текисликларига тарқатиб, тепаликдан тарғил тулпорида теваракка тикилиб турарди.

ТАРЁҚ ТУРИ

Тоғда текислигу тепаликлардан ташқари токли, тамакили томорқалар талайгина. Тоғ тўрларида танги томорқачилардан ташқари тўймас тупроқдошларимизнинг томорқаларида тақиқланган тамаки, турфа тарёқ турларидан топиларди. Тезкорлар текширишганида томоқларига тахлам-тахлам танга тиқиб тинчитишарди. Тўймас тоғликлар тупроқфурушлар-ла тил топишгандилар. Тахлам-тахлам тангалар-ла тупроқфурушлар таъминлаб турардилар. Томорқалари текис тошлардан териб тўсилган. Тошли тўсиқлардан тешик тополмайсан. Толиб тишланиб, тоғ тўрларидаги тўймасларнинг тўсиқли томорқаларига тикилганча турарди.

ТЕНГҚУРЛАР ТОПИШИШДИ

Тоҳир тоғаси Толибни толиқиб-толиқиб, тоғ тепаликларидан тик тушда топди. Тенгқурлар тенгқурларча талпинишди, тепкилашишди. Тенгқурлар таналарини тоғ тиканлари тирнагач, тўхташдилар. Толиб текисликка тарқатган тўдасини, тарғилини тоғ така тарқатгичига тунда тўдани тўплаб, тушуришини тайинлади. Така тарқатгичга тумандан тенгқури Тоҳирнинг ташрифини тушунтириб, тазарру тилади. Така тарқатгич Толибга: «таҳликага тушма, тўдангни тинчитаман. Тунда Тоҳир-ла томимга тушинглар!» Тенгқурлар тенгқурлари томон талпинишди.

Тоҳир тепаликдан тошларни тепиб-тепиб тушаркан, тасодифан темир тақа топди. Толиб тоға тилла топгандай тақа-тақалаб такрорлай-такрорлай, тақани тоғасига тутди. Толиб тақа тешикчаларини таёқчасида тозалаб туриб: “Тақа – толе”, “Тақа – тақдир!” Толеинг тақдиринг тоғдекдир!» Толибни тўғри тушунган Тоҳир тоғ тепаликларига термилганча турарди. Толиб тол таёғидан тайёрланган таёқчаси-ла туртди. «Тинчликми?» Тўсатдан теккан таёқдан титраган Тоҳир таёқчасини терили тўнининг тешигига тақаётиб: «тушликка “тандир”дан тонмассан?» “Тандир”дан тонган тентақда». Тенгқурлар тенгқур тоғалари Турсунни, Тошпўлатни тоғдан тезда топишди. Тенгқурлар тўғри тўрт тепаликдан тушишди. Тўғрисида Толибларнинг томи.

Томнинг тоғ томонида тифиз тераклар тагида тўртта тул “тандир” тутатарди. Толиб тенгқурларига: «Таажжубланманглар, тенгқурлар тўрт туп тол тагида тўхташдилар».

ТУПРОҚФУРУШЛАР ТУТИЛДИ

Тахминан талабалар таътилида туққан тождорини, туғилган тупроғини танимайдиган тупроқфурушлар ташқи туманларда “тактик” тайёргарликларини тўлиқ тугаллаб, тиш-тирноғигача тигланиб, тунда тинч тупроғимизга тоғдан тушишди. Тупроқфурушларни тўсган тоғликларни тинмай тепкилашар, турганини тинчитишарди. Тўс-тўполону талатўпда туман тезкорларига тулпорларда талпиндик. Туман тезкорлари-ла тоғликлар тўпланишиб, тупроқфурушларни тутдик. Таналаридан талафот топган тоғликлар талайгина. Таналаридан талафот топганларни тўплаб, тиббиёт тезкорлари техникаларида туман тиббиёт томлари томон талпиндилар. Туман тезкорлари тўққизта тупроқфурушни таъзирлашни тунгача тоғликларга топширишди. Тезкорлар тонгдан тунгача тоғ тепаликларини тирқишларигача текширишиб, тупроқфурушлардан тозалайди. Тоғни тирқишлари-ю тоғ томларидан тўртталаб тупроқфурушларни тутдилар.

Тоғликлар тутқундаги тупроқфурушларни товонларидан тилиб, тозаланмаган туздан тиқиб, теванада тиқиб, таомлантирмай, таналарини титилгудай титратиб, тўда тарқатишга тайёрланган таёқларида тарсакилар тушириб, тана томчиларини турли тарафларга томчилатиб, тафтларига-да таёқда тушириб, тишларини тўкиб, тун тушгач, туман тезкорларига терговга тоширдилар.

ТАРЁҚНИ ТАНИШ ТУТМАНГ

Тезкорлар тупроқфурушлар-ла тил топишган, тарёқни таниш тутган тўймас тоғликларни-да топиб, терговга тортдилар. Тарёқ тузоғига тутилган туронликлар темир тирқишли томлар тўрида тавбасига таяниб, тиришиб турибдилар. Тарёқ тузоғига тутилганлар тинимсиз титрайдилар, тиришадилар. Танлари тирриқлашиб, тишлари тўкилади. Томоғига талқон тиқилган-



Bu tanishuv parchasidir. Asarning to'liq versiyasi
<https://kitobxon.com/oz/asar/2296> saytida.

Бу танишув парчасидир. Асарнинг тўлиқ версияси
<https://kitobxon.com/uz/asar/2296> сайтида.

Это был ознакомительный отрывок. Полную версию
можно найти на сайте
<https://kitobxon.com/ru/asar/2296>